

УДК: 616.72 - 616.72-089 - 616.718 - 611.018 - 611.8

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАРИНИНГ
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Абдурахмонов Фарход Рахмонович, Абдурахмонова Феруза Фарходовна
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

**МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ МЯГКИХ
ТКАНЕЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ**

Абдурахмонов Фарход Рахмонович, Абдурахмонова Феруза Фарходовна
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

**MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF COMPLICATIONS OF COMBINED TRAUMA OF SOFT
TISSUE OF THE MAXILLOFACIAL REGION**

Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich, Abdurakhmonova Feruza Farkhodovna
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: farhodhai1975@mail.ru

Резюме. Ушбу тадқиқотда юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари асоратларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотда гипертрофик, келлоид ва атрофик чандиқлар билан боғлиқ бўлган беморлардан олинган биопсия материаллари микроскопик текширилди. Микроскопик таҳлиллар натижаларига кўра, чандиқли тўқималарнинг шаклланиш жараёнида коллаген толаларининг турли ўзгаришлари, хусусан, гиалиноз ва коллаген толаларининг йўналишидаги ўзгиришлар аниқланди. Чандиқларни даволашда озон, лазер нурлари ва Келоселл билан ультрафонофорез усуллари самарали эканлиги маълум бўлди. Тадқиқот натижалари, чандиқли тўқималарни даволашдаги янги усулларнинг самарадорлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Калим сўзлар: Юз-жағ соҳаси, қўшма жароҳатлар, чандиқли деформация, гипертрофик чандиқ, келлоид чандиқ, морфологик таҳлил, микроскопия, озон, лазер нурлари, Келоселл, ультрафонофорез.



Abstract. In this study, the morphological and morphometric characteristics of complications of soft tissue joint injuries in the maxillofacial region were studied. During the study, microscopic biopsy material taken from patients with hypertrophic, keloid and atrophic scars was examined. According to the results of microscopic analysis, various changes in collagen fibers were revealed during the formation of scar tissue, in particular, hyalinoses and ruptures in the direction of collagen fibers. It was found that ozone, laser radiation and ultraphonophoresis with Kelocell are effective in the treatment of scars. The results of the study are important for determining the effectiveness of new methods for the treatment of scar tissue.

Keywords: maxillofacial region, joint injuries, cicatricial deformation, hypertrophic scar, keloid scar, morphological analysis, microscopy, ozone, laser beams, Kelocell, ultraphonophoresis.




Тадқиқотнинг долзарблиги Маълумки, йилдан йилга дунё аҳолиси орасида шикастланишлар сонининг ошиб бориши бошқа жароҳатлар сингари юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари нисбатининг ҳам кўпайишига сабаб бўлмоқда [1,4]. Бунга олиб келувчи бир қанча омиллар мавжуд, жумладан аҳоли орасида транспорт воситаларининг ошиши, шикастланишга сабаб бўлувчи жиҳоз ва воситаларнинг кўпайиши, иш интенсивлигининг жадаллашуви, аксарият ишчи ходимларининг меҳнат хавфсизлигига риоя қилмаслиги ва ўқотар қуроолларидан фойдаланувчилар сонининг ошиши, ушбу шикастланишлар микдорининг кўпайишига сабаб бўлмоқда [2,3].

Жароҳатлар ичида қўшма жароҳатларга олиб келувчи сабаблар асосан йўл ҳаракати ҳодисалари (50-71%), катотравмалар (18-24,5%), ишлаб чиқаришда орттирилган (4,5-25%), ижтимоий шикастланишлар (12-15,5%) ҳисобланади [7,8].

Улар ичида юз соҳаси чандиқли-деформацион асоратларининг юзага келиши турли хил этиологик омиллар, хусусан кесилган, санчилган, лат еган ва ўқотар қурооллардан шикастланишлар сабаб бўлади. Шунингдек, шикастланишнинг механик, термик, кимёвий инфекцион, токсик ва яллиғланиш омиллари натижасида чандиқли тўқималар юзага келади [3,4]. Маълумотларга кўра, гипертрофик ва келлоид чандиқларнинг юз соҳасидаги қўшма жароҳатлар битиши билан жароҳат юзаси ва майдонидан каттароқ ҳажмда чандиқли тўқималарнинг ривожланиши билан бошланган. Ушбу чандиқли тўқималарнинг намуналари гистологик жиҳатдан текширилганда, уларнинг таркибида бириктирувчи тўқималарнинг юзага келиши аниқланди ва ушбу тўқималар ҳалқали, гирдоб шаклида жойлашиб тугунларни ташкил қилганлиги маълум бўлди.



Расм 1. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлардан кейинги гипертрофик чандикли тўқималар кўриниши: бўяш гематоксилин-эозин билан, х100, х200. Терининг дерма қаватида оч-пушти-бинафша рангда бўялган асосан I-типдаги ва кам миқдорда III-типдаги коллаген толалар фарқланиб, турли хил калинликда (баъзилари ингичка, қолганлари қалинлашган), узунчоқ ва цилиндрсимон кўринишга эга, асосан бир-бирларига нисбатан параллел жойлашган ва коллаген тутамлар ҳосил қилган, кўпроқ бир томонлама (чандикли тўқимадан фарқли нормал тўқимада коллаген толалар тартибсиз жойлашади) йўналишда бўлиб, ораларида шиш белгилари, кўплаб фибробластларнинг гиперхром рангда бўялган ядролари, онда-сонда майда қон томирлар ҳам кўриломқда



Расм 2. Ван-Гизон бўйича пикрин кислотаси ва нордон фуксин бўёқларида тайёрланган гистологик препаратларда қалин чандикли тўқималар фарқланиб, уларда фуксин билан қизғиш тусда бўялган коллаген толалар ҳамда пикрин кислотаси билан оч-сарғимтир тусда бўялган қолган тўқималар аниқланмоқда. Коллаген толалар асосан қалинлашган I-типдаги коллагендан иборат, бир-бирларига нисбатан параллел ва зич жойлашган. Ўнг тарафдаги препаратларда коллаген толалар камайганлиги, ораларида бўшлиқлар ва майда қон томирлар ҳосил бўлганлиги фарқланмоқда

Тадқиқотнинг мақсади. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари асоратларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот материали ва унинг усуллари. Тадқиқот жараёнига кузатувга олинган 44 нафар юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлардан кейинги чандикли деформацион асоратлари билан боғлиқ гипертрофик, атрофик ва келлоид чандиклари мавжуд беморларнинг морфологик ва морфометрик жиҳатлари ўрганилди. Тадқиқот бўйича морфологик текширувларнинг техник ва услубий жиҳатлари ҳамда микроскопик тасвирларидаги ҳолати ва динамикаси Ўзбекистон республикаси патологик анатомия илмий

амалий маркази ва суд-тиббий экспертиза илмий амалий марказининг мутахассислари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Беморлардан олинган биопсион ва жарроҳлик материалларнинг микроскопик таҳлиллари натижалари, уларда олиб борилган консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллариининг самарадорлиги бўйича таҳлил қилинганида, жароҳат соҳасида репаратив жараёндан то органик ва гистологик тўқима гемостазининг тикланиб соғлом тўқима эгаллаши кузатилди. Бунда ЮЖСЮТҚЖАларининг турли ўлчамдаги атрофик, гипотрофик ва келлоид чандиклари патологик жараёнларини турли вақт ва муддат оралиғида анъанавий, озон ва лазер нурлари

таъсирида ўзгариши назорат қилиб борилди. Юз соҳасидаги қўшма жароҳатлар сабабли чандикли тўқималари юзага келган беморларнинг 44 нафарида даволаш натижасида чандикли тўқималарнинг гистологик ҳолати динамикада ўзгариши таҳлил қилинди.

Тадқиқот гуруҳига киритилган беморларнинг морфологик намуналари гематоксилин-эозин ва Ван-Гизон усуллари бўйича бўйлаб, чандикли тўқималарда мавжуд коллаген толаларнинг хусусиятлари ва ўзгариши таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Макропрепаратлар ва биопсия намуналарини таҳлил қилинганда чандикларни шакллантиришда иштирок этадиган хужайралар ва хужайрали моддаларнинг барча асосий белгилари ҳисобга олинган ҳолда таркибида барча даврларида коллагенлар устунлик қилди, толалар бўйлама жойлашган бўлса, уларнинг йўналиши бўйлаб маҳаллий гиалиноз кўринишига эга бўлган тугунли тўпланишлар ҳосил бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, биринчи-тўртинчи типдаги коллаген толалар мавжудлиги аниқланди. Юз соҳасидаги жароҳатлар ва чандикларни озон, лазер нурлари ва чандикларга қарши Келоселл билан ультрафонофорез билан даволаш билан биргаликда бу комплекс шикастланган тўқималарда репаратив ва анаболик жараёнларни кучайтиради

Бундан ташқари чандикли тўқималарнинг тўлиқ етилмаган ҳолатларида миофибробластлар топилди ва кўп ядроли макрофагларнинг мавжудлиги фибробластларнинг пролифератив ва фаол шакллари билан биргаликда келади. Маълум бўлишича, биопсия қилинган ва операция натижасида олинган материаллар ёрдамида нафақат чандикли тўқиманинг турини, балки патологик чандик ҳосил бўлишини олдиндан башоратлашга эришилди.

Хулоса. Сўзимиз якунида шуни таъкидлашимиз керакки, чандикли тўқималарни морфологик текширув орқали турли хил чандикли тўқималарни даволаш усуллари самарадор жиҳатларини танлашга имконият яратди. Келлоид ва гипертрофик чандикли тўқималарда яққол ифодаланган юпкалашиш ва интерстициал тўқималарнинг миксоид шиши аниқланди ва даво муолажаларини олган беморларда коллаген толаларининг камайганлиги маълум бўлди.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ф.Р., Ризаев Ж.А., Боймуродов Ш.А. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини озон ва лазеротерапия билан комплекс даволаш // Ўзбекистон тиббиёт журнали. –Самарқанд-2025. – Монография С. 30- 41
2. Боймуродов Ш.А., Ризаев Ж.А., Абдурахмонов Ф.Р. Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари оқибатларининг ўзига хос жиҳатлари. // Биомедицина ва амалиёт журнали | Журнал биомедицины и практики | Journal of biomedicine and practice №3 | 2023 28
3. Абдурахмонов Ф.Р., Ризаев Ж.А., Боймуродов Ш.А. Инновационные аспекты сочетанные травмы мочеполовой системы и челюстно-лицевой области // Биомедицина ва амалиёт журнали | Журнал

биомедицины и практики | Journal of biomedicine and practice №5.1 | 2022 С. 29- 33

4. Ateş Kadioğlu., Mehmet Gurcan., Farkhod Abdurakhmonov., Murat Dursun.// Surgical management of complex curvature in Peyronie's disease World journal of urology 2024, April
5. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // Альманах клинической медицины 2т.2.-2010- С. 436-444.
6. Каримов Х.Я., Шевченко Л.И., Бобоев К.Т., Юган М.А. Метод озонотерапии Сукцинасол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.
7. Ризаев Ж.А., Боймуродов Ш.А., Абдурахмонов Ф.Р., Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатларидан кейинги йирингли - яллиғланиш асоратлари ва уларни башоратлаш// Биология ва тиббиёт муоммолари журнали. – Самарқанд 2023-№ 4. С 107-109.
8. Farkhod Abdurakhmonov., Jasur Alimdjanyovich Rizayev., Shukhrat Abdujajilovich Boymurodov Assessment Of The Consequences Of The Ozone For The Treatment Of The Soft Tissue Injuries Of The Maxillofacial Area The USA Journals Volume 03 Issue 06-2021
- 9 Gopalakrishnan S, Parthiban S. Ozone- a new revolution in dentistry. J Bio Innova. 2012; 1:58- 69.14. Grotendorst GR, Rahmanie H, Duncan MR. Combinatorial signaling pathways determine fibroblast proliferation and myofibroblast differentiation. FASEB J. 2014; 18:469-79.
10. Das S. Application of ozone therapy in dentistry. Indian J Dent Adv. 2011; 3:538-42.
12. Sujatha B, Kumar MG, Pratap MJS, Raja V. Ozone thera
13. Seidler V, Linetskiy I, Hubáľková H, Staňková H, Šmucler R, Mazánek J. Ozone and its usage in general medicine and dentistry. A review articles. Prague Med Rep. 2012; 109:5-13.
14. Maiya A. Applications of ozone in dentistry. Int J Clin Dent Sci. 2011; 2:23-7.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова Ф.Ф.

Резюме. В данном исследовании изучены морфологические и морфометрические характеристики осложнений поврежденных суставов мягких тканей челюстно-лицевой области. В ходе исследования был изучен микроскопический биопсийный материал, взятый у пациентов с гипертрофическими, келоидными и атрофическими рубцами. По результатам микроскопического анализа, при формировании рубцовой ткани выявлены различные изменения коллагеновых волокон, в частности гиалиноз и разрывы направления коллагеновых волокон. Установлено, что озон, лазерное излучение и ультрафонофорез с Kelocell эффективны при лечении рубцов. Результаты исследования важны для определения эффективности новых методов лечения рубцовой ткани.

Ключевые слова: челюстно-лицевая область, травмы суставов, рубцовая деформация, гипертрофический рубец, келоидный рубец, морфологический анализ, микроскопия, озон, лазерные лучи, Kelocell, ультрафонофорез.